



141100, Nurobod shaxri, Mustaqillik ko'chasi 2-uy,
Tel:633-16-34, Fax:231-98-81, nurobod@samarkand.uz

141100, г. Нурабад, ул. Мустақиллик, д.2
Тел:633-16-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

2017 йил «6» июн

№ 609-ч

**2017 манзилли дастур асосида қурилиш
режалаштирилган маиший хизмат кўрсатиш
мажмуаси биносини қуриш учун ер майдони
танлаб ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 20-моддаси, “Ер кодекси”нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йил 03 майдаги “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК билан келишилган №1-10/1602-сонли келишув хати ва йиғилиш баёни, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2017 йил 24 февралдаги №158-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нуробод тумани Ҳалқобод маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Боймуродова Махфура томонидан Нуробод тумани Наврўз маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.04 гектар ер майдонига маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси биносини қуриш учун ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 1 июндаги далолатномасини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод тумани Ҳалқобод маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Боймуродова Махфурага Нуробод тумани Наврўз маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.04 гектар ер майдонига маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси биносини қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ишчи комиссиясининг 2017 йил 1 июндаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Боймуродова Махфурага қуйидаги вазифалар юклатилсин:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш.
- вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини уч йил муддат ичида тугатиш:
- қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:
- тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:
- қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига муружаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га Боймуродова Махфура томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Боймуродова Махфура томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари О.Бўтаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ф.Заиров